



## ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР ХУСУСИДА

*Назаров Пулат Жўрамурадovich,  
СамДЧТИ доценти*

**Калит сўзлар:** луғавий бирлик, лексема, луғавий қурилма, сўз ўзгарувчанлиги, сўз бойлиги, сўз ва сўз бирикмаси, чет тилига оид сўзлар, олинма сўзлар, сўз ўзлашишининг сабаблари, сўз талаффузи ва имлоси.

Маълумки, ҳар қандай тил ички ва ташқи манба асосида ўз луғат бойлигини доимий равишда ошириб боради. Биз ички имконият тушунчаси остида маълум бир тил луғат таркибининг бевосита ички имкониятлар, яъни грамматик қўшимчалар, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиш каби воситалар орқали кенгайиб боришини тушунсак, ташқи имконият деганимизда турли хил сабаблар натижасида бир тилдан иккинчи бир тилга кириб келган луғавий бирликларни кўз олдимизга келтирамиз.

**Манбаларда таъкидланишича, ташқи манба асосида луғат бойлигининг кенгайиши ўзбек тили доирасида 30-35 % ни ташкил этади.**

Бошқа бир тилдан ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг фонетик, морфологик ва семантик хусусиятлари олимларимиз томонидан етарлича тадқиқ этилган. Шу сабаб мазкур мақолада биз **инсон танаси аъзоларининг номларини англатувчи сўзлар ёрдамида Ҳинд-Овропа тилларидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг миқдорий кўрсаткичлари борасида тўхталиб ўтишни мақсад қилиб олдик.**

Профессор Б.Х.Эшонқулов ўзлашган сўзлар том маънода янги тилнинг фонетик ва грамматик қонуниятлари таъсирига учрашини, ўзлашмаган сўзлар эса бундай таъсирга учрай олмаслигини қайд этиб ўтган [5.3]. Ўз навбатида Б.Х.Эшонқулов ўзбек тилига арабча сўзлар кириб келишини рус олими Р.А. Будиров томонидан эътироф этилган луғавий ўзлашмаларнинг ўз тилидаги шакли билан сўз қабул қилган тилдаги шакли ўзаро саккизта функционал қиймат

билан муносабатга киришишига алоҳида эътибор қаратган:

1. Аниқ маънога эга бўлган сўз янги тилда мавҳум маънони ҳам ифодалаш мумкин.

2. Жинсга тааллуқли айрим сўзлар бошқа тилга ўзлашганда турга тааллуқли сўзга айланади.

3. Сўзлар ўзлашганда бир маъноли сўздан кўп маъноли сўзга ўзгаради.

4. Баъзи сўзлар муқобилсиз ҳолда бошқа тилларга кириб келади.

5. Ноархаик сўзлар архаик сўзга айланиши мумкин.

6. Ўзлашма сўзларнинг луғавий мустақиллиги йўқолади.

7. Бир тилдаги атамалар ўзлашган ҳолда сўзга айланади.

8. Баъзи сўзлар сўз бирикмасига айланади [5.6].

Албатта, араб тилидан ўзбек тилига сўз олиниши борасида билдирилган мазкур фикрларнинг аксариятини бошқа тиллардан ўзлашадиган луғавий бирликларга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Зеро, маълум бир тилга ўзлашган сўзлар шаклланишида кўпинча ички ва ташқи манбаларнинг уйғунлигини кузатишимиз мумкин бўлади. Яъни, фан-техника тараққиётининг, савдо-сотик ишларининг таъсири натижасида, урушлар ёки муҳожирларнинг кўчиб келишлари оқибатида, шунингдек, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг кучайиши билан маълум бир тилдан бошқа бир тилга сўзлар ўзлашган. Бундай олинма сўзлар ўз навбатида вақт ўтиши билан тилнинг ички имкониятлари, жумладан, сўздаги фонетик ўзгаришлар, сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш билан, содда ясама сўзлар ҳосил қилиш, содда сўзлар негизида қўшма



сўзларни яратиш, ёки бўлмаса сўз маъносини кенгайтириш орқали янги маъноли луғавий бирликларни юзага келтириш каби воситалар билан кўплаб сўз ва ибораларнинг тилда пайдо бўлишига замин ҳозирлайди.

Ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳақида фикр билдирар эканмиз, бу борада олимларимиздан Ғ.Абдурахмонов ҳамда С.Мамажоновлар томонидан илгари сурилган ғояларга таянамиз. Бу олимлар ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни тизимлаштирган ҳолда қуйидагича тавсифлашган:

- 1) араб тилидан ўзлашган сўзлар;
- 2) форс-тожик тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзлар;
- 3) 1917 йилги октябрь тўнтаришидан кейин ўзбек тилида пайдо бўлган рус-байналмилал сўзлари [1.79].

Бу ўринда шуни қўшимча қилиб ўтишимиз лозимки, олимларимиз ўзбек тилига ўзлашган сўзларни тизимга солиб ўрганишга ўз даврлари нуқтаи назаридан муносабат билдирганлар. Фан-техника тараққиётининг ўта жадал суръатда тараққий этишини ўзида намоён этаётган ХХI-асрда ўзбек тилига кириб келаётган олинма сўзларни бир тизимга солиб, ҳозирги даврда тилимизга кириб келган сўзларга “инглиз тилидан ўзлашган сўзлар” дея баҳо берсак бўлади. Жумладан, тана аъзоларининг номлари билан бевосита боғлиқ бўлган инглизча сўзга мисол қилиб “facebook” (сўзма-сўз таржимаси “бет + китоб”) атамасини келтиришимиз мумкин. Бу сўз инглиз тилидан ўзбек тилига ижтимоий тармоқ номи сифатида тўғридан-тўғри ўзлашган. Ҳозирги кунда инсон танаси аъзоларининг номларини англатувчи инглизча сўзлардан ҳосил бўлган бошқа луғавий бирликлар ҳам олинма сўзлар сифатида қаралмоқда. Жумладан, инглиз тилидаги “face to face” (сўзнинг ўзбек тилидаги муқобили “юзма-юз”), “handy” (кўл телефони) кабилар кўплаб тилларга кириб келган. Аммо бундай сўзлар ўзбек адабий тилининг луғат таркибидан ҳозирча ўрин эгалламаган.

Ўрта Осиёда узоқ муддат ҳукм сурган (VIII-асрдан 1929 йилгача бўлган давр) араб тилидан форс-тожик тилига нисбатан камроқ сўзлар ўзбек тилига кириб келганини Н.Сулаймонова, М.Абзаловаларнинг фикрлари асосида тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Олимлар бунинг сабаби сифатида араб тилидаги ҳарфларнинг ўз талаффуз қоидалари борлиги, аммо бунга ўзбек тилида амал қилинмаслиги натижасида араб ҳарфларининг нотўғри қўлланилиши билан умуман тескари маънолар ҳам келиб чиқишида деб биладилар [3.5].

Шунингдек, рус тилидан тилимизга кириб келган луғавий бирликларнинг ҳозирда истеъмолда нисбатан камлигини қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

1. Рус тилининг ўзбек тилига бевосита таъсири бир асрга ҳам бормайди.

2. Рус тилидан ҳамда бу тил орқали бошқа тиллардан ўзбек тилига ўзлашган аксарият сўзлар мустақиллигимиздан сўнг ўзларининг арабча ёки форс-тожикча муқобиллари билан ўрин алмашди.

Масалан: аслида лотинча сўзлар ҳисобланган “редактор”, “инженер”, ўзаги рус тилидаги “город-шаҳар” сўзидан олинган “гражданин” каби сўзлар ўрнида ҳозирда араб тилидан ўзлашган “муҳаррир”, “муҳандис”, “фуқаро” атамаларидан фойдаланмоқдамиз.

Олинма сўзларнинг тилимизга қандай кириб келганлигини аниқроқ билиб олиш мақсадида мазкур мақолада тана аъзоларининг ўзлашма номларидан ташқи ва ички манбалар уйғунлашуви асосида луғат бойлигимизнинг ошиб бориши масаласига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Жумладан, ўзбек тилига рус тилидан ёки рус тили орқали қадимги лотин ва қадимги юнон тилларидан бир қатор тана аъзоларининг номлари кириб келганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шуниси эътиборга моликки, тана аъзоларининг бундай ўзлашган номлари кўпроқ “бош, оёқ, қўл” каби сўзлар негизида ҳосил бўлган. Масалан, “оёқ” сўзи қадимги юнон тилида “пейда” атамаси билан ифодаланган. Ҳозирда ўзбек тили луғат таркибида мавжуд бўлган



“педагог” (кўчма маънода: “оёққа турғизувчи”), “педиатр” (кўчма маънода: оёққа турувчилар билан шуғулланувчи шахс, яъни “болалар врачлари”), шунингдек, “педаль” (транспорт воситасининг оёқ билан босиладиган қисми), “велосипед” (ғилдирак+оёқ) сўзлари “оёқ” сўзининг юнонча муқобили асосида тилимизга кириб келган.

Грек тилидаги “kerphal”, турк тилидаги “кафа” сўзлари “бош” маъносини англатади. Бизнинг фикримизча, “кепка” (бош кийими) ҳамда “кафан” каби луғавий бирликларнинг тилимизда пайдо бўлиши айнан қайд этилган ўзлашма сўзлар билан бевосита боғлиқдир. Бу борада яна шундай олинма сўзлар ҳам борки, бундай сўзларнинг тилимизда пайдо бўлиши сўз маъносидаги ўзгаришлар билан белгиланади. Масалан, ҳозирги немис тилида “Арт” атамаси “қўл, биллак” деган маънони англатади. Бу сўздан маъно кенгайтиши орқали тилимизга рус тили орқали кириб келган “арматура” (қабарик ёки силлиқ шаклдаги темир) сўзи пайдо бўлган. Худди шунингдек, рус тили орқали тана аъзоларининг номларига тааллуқли бўлган баъзи бир атамалар ҳозирда ўзларининг форсча ёки арабча муқобиллари билан ўрин алмашмоқда. Бунга мисол сифатида “ручка” сўзини олишимиз мумкин. Бу сўз ҳам рус тилидан олинган бўлиб, қўл ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлган икки маънони англатган, яъни ручка – ёзув қуроли ҳамда эшик ва деразаларнинг тутқичи. Бу сўзнинг “ёзув қуроли” маъноси ҳозирга қадар нутқимизда ишлатилмоқда. Мазкур сўзнинг иккинчи маъноси эса мустақиллигимиздан сўнг ўзининг форсча муқобили асосида ҳосил қилинган “даста”, “дастак” сўзлари билан ўрин алмашди.

Шу билан бирга қадимги лотин ва грек тилларидаги тана аъзоларининг номларидан келиб чиққан ва ҳозирда тиббиётшунослик ва машинасозликка оид атамалар сифатида қўлланилаётган қуйидаги бирликларни ҳам эътироф этиб ўтишимиз лозим:

корпус (лотинча: corpus– тана);

капот, кабина (лотинча: capot– бош);

дерматолог, дермантин (лотинча: derma – тана);

кардиолог, кардиология (грекча: kardia – юрак);

лаб (лотинча: labium– лаб);

мушкул, мушак (грекча: mys– мушак);

артерия, вена, аорта (лотинча: arteries, vena, aorta– қон томирлари) ... [4.6]

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, араб тилидан жуда кўп сўзлар тилимизга кириб келган бўлса-да, бу тилдан ўзбек тилига айнан тана аъзоларига оид номлар бошқа тилларга нисбатан кам ўзлашган. Масалан, араб тилида “иркун” сўзи томир, илдиз, ирк” маъноларини ифодалайди [4.398]. Биз бу сўзни фақат учинчи маъносидангина тилимизда фойдаланамиз. Шунингдек, араб тилида “оёқ” маъносини берувчи “қадамун” сўзи [4.240] ўзбек тилида ҳам оёқ сўзи билан боғлиқ қуйидаги сўз ва ибораларда қўлланилади: қадам, қадам ташламоқ, қадам босмоқ, қадам ранжида қилмоқ, қадами қутлуғ келмоқ...

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тана аъзоларига оид олинма сўзларнинг ўзбек тили луғат бойлигига кириб келишида энг аввало қўшни халқларнинг, хусусан, азал-азалдан туркий қабилалар билан ёнма-ён яшаб келиб, деярли бир хил маданиятга, анъаналар ва урф-одатларга эга бўлган форс-тожик тилида гаплашувчи кишилар билан бўлган маданий-иқтисодий алоқаларнинг таъсири кучлидир. Форс-тожик тилларидаги сўзларнинг ўзбек тилига бутунлай уйғунлашиб кетиши тана қисмларининг номларига оид қуйидаги мисолларда ўз аксини топгандир.

Олимларимиз маҳаллий аҳолининг минтақавий, ҳудудий жойлашувига нисбатан ёндашиб, форс-тожик тилидан ўзбек тилига кириб келган сўзлар бошқа тилларга қараганда нисбатан кўп эканлигини аниқлашган. Жумладан, Ғ.Абдурахмонов, С.Мамажоновлар “Ўрта Осиёда қадимги даврларда яшаган массагет, скиф (сак) ва суғд қабилалари



мураккаб таркибли бўлиб, бир қатор эронзабон ва туркийзабон уруғлардан ташкил топган. Милодгача Марказий Осиёда, хусусан Мовароуннахр, Хоразм, Олтой, Тоҳаристон, Суғдиёна ва Орол бўйи худудидида эронзабон-туркийзабонлар яшаган” деб таъкидлашган [1.13]. Мазкур олимлар ўз фикрларини давом эттириб, Сомонийлар (819-1005) иккита расмий тил – араб ва форс тилларидан фойдаланганликларини, Зарафшон воҳасида, асосан форсийзабон аҳоли яшаганлигини [1.16], хонликлар даврида эса Бухоро ва Самарқандда эронзабонлашган туркий уруғлар тожик тилида сўзлашганларини уктириб ўтади [1.22]. Шу билан бирга юқорида номлари зикр этилган олимлар миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда уларнинг тилларида фаолият кўрсатувчи мактабгача тарбия, болалар муассасалари ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили” ҳақидаги қонунининг 5-моддасига биноан Поп, Чўст, Фарғона, Риштон туманларида, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида тожик тилида дарслар олиб бориладиган мактаблар ташкил этилганлиги ҳам юртимизда тожикзабон аҳолининг кўпайишига туртки бўлганлигига эътибор қаратишади [1.29].

Қуйидаги мисоллар форс-тожик тиллари асосида ўзбек тилига кириб келган бундай сўз ва сўз бирикмаларининг яққол намунаси дир.

Масалан, “сар” – “бош” сўзи [2.100] асосида ўзбек тилида мавжуд бўлган сўз ва бирикмаларда бу сўз ўз ва кўчма маъноларида кенг қўлланилади:

сартарош (форсча: “сар + тарош” – “бошни тарашловчи” – соч-сақол олувчи шахс), сарҳисоб (асосий ҳисоб-китоб қилиш вақти), сармоя (форсча: сар+ моя – “катта миқдордаги пул”), саргардон (форсча: сар+гард+он – қаерга боришни, нима қилишни билмай, ақл-хушини йўқотиш), сарой (аслзодалар яшовчи уй), саросимага тушиш – боши гангиб қолиш, саркарда (форсча: сар+кардан – асосий ишни қилувчи шахс, лашкарбоши)...

Қадимги юнон тилидан форс-тожик тилига ўзлашган “пой” сўзи ҳозирда “оёқ”, “пей” сўзи эса оёқ сўзининг кўчма маъносидан келиб чиққан “из, асос, пойдевор” маъноларини англатади [2.53]. Бу сўзнинг ўзлашиши орқали ўзбек тилида қуйидаги сўз ва бирикмалар ҳосил қилинган: пойқадам (форсча “пой” + арабча “қадам”), пайпоқ, пайтава (маъноси: “оёққа ураладиган”), пояндоз (форсча: пой – оёқ, андоз – тушамоқ, яъни оёқ остига тушаладиган мато), пойламоқ (“изидан бормоқ” маъносида), пайров (форсча: пейрув “издош” маъносида) – бир-бирининг изидан айтиладиган аскиялар жамланмаси, пиёда (форсча: пеёде) – “яёв бормоқ” маъносида ва бошқалар.

Шунингдек, ўзбек тили луғат бойлигида форс тилидан кириб келган “даст” – “қўл” (2.83) сўзи асосида юзага келган кўплаб сўз ва бирикмаларни ҳам учратишимиз мумкин. Масалан: даструмол – қўл румолча, дастгоҳ – инсон қўли билан ишга тушириладиган техник ускуна, дастёр – қўлидан иш келадиган бола, даста – бирор-бир нарсани қўлда ушлашга мослаштирилган қисми...

Форс-тожик тилларидан ўзбек тилига кириб келган тана қисмларини тавсифловчи яна бир қатор атамалар ўзларининг кенгайтирилган кўчма маънолари билан тилимизда кенг қўлланилмоқда. Жумладан, “забон” (тил) сўзи [2.92] ўзбек тилида баъзи бир қўшма сўзларда учрайди: форсийзабон, туркийзабон, эронзабон, тожикзабон... Шунингдек, тожик тилидаги “чашме” (кўз) сўзи ҳам “чашма” номи билан ўзбек тилидаги “булоқ” сўзининг муқобили сифатида кенг қўлланилади.

Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, шундай хулоса чиқарса бўлади:

1) ҳар қандай тил алоҳида олинган тил сифатида тараккий эта олмайди;

2) маълум бир тил луғат бойлиги объектив ва субъектив омиллар асосида кенгайиб боради;

3) ўзбек тилининг луғат таркиби ошиб боришида олинма сўзлар муносиб ўрин тутади;



4) маълум бир тилдан ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг катта қисми янги тилнинг имло ва талаффуз қоидаларига тўлиғича амал қилиши туфайли аксарият ўзлашма сўзлар фонетик ва морфологик ёзув тамойилларини қабул қилади, шу сабаб ўзбек тилида шаклий ёзув тамойили асосида ёзиладиган олинма сўзлар нисбатан камдир;

5) ўзбек тилига форс, араб ва рус тиллари орқали кўплаб сўзлар ўзлашган;

б) фан-техника жадал суръатларда тараккий этаётган ҳозирги даврда ўзбек тили луғат бойлиги инглиз тилидан олинган сўзлар ҳисобига янада бойиб бормокда;

7) тана аъзоларининг номларини акс эттирувчи ўзбек тилидаги олинма сўзлар ҳамда бу сўзлар ёрдамида ҳосил қилинган бошқа луғавий бирликларнинг аксарияти форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлардир.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ибодов Н. Анатомиядан қисқача лотинча-русча-ўзбекча луғат. –Тошкент, 1995. 80 б.
2. Рустамова А., Каримов К., Умарова З. Форсча-ўзбекча ўқув луғати. –Тошкент, 1975.
3. Сулаймонова Н., Абзалова М. Ўзбек тилидаги арабий сўзлар имлоси. –Тошкент, 2008. 132 б.
4. Талабов Э. Араб тили дарслиги. –Тошкент, 1993. 408 б.
5. Эшонқулов Б.Х. Ўзбек адабий тилида арабча луғавий ўзлашмаларнинг парадигматик асимметрияга муносабати. –Тошкент, 1996.
6. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)

*Назаров П. О заимствованных словах в узбекском языке. Статья посвящена проблеме заимствованных слов в узбекском языке. В ней рассматриваются некоторые вариации заимствованных слов и словосочетаний из латинского, греческого, английского, русского, турецкого, персидско-таджикского и арабского языков, используемые в названиях частей человеческого тела в узбекском языке.*

*Nazarov P. About borrowings in the Uzbek language. This article is dedicated to a problem of borrowing words in the Uzbek language. It has been shown some variations of borrowing words and word combinations of Latin, Greek, English, German, Turkish, Persian, Arabic and Russian which are used in naming parts of human body in the Uzbek language.*